КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил. 22 октябр | 42 (71)- сон

## ТОШКЕНТ: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ IV УЧРАШУВИ

Қардош халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётган бу анъанавий учрашувда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрдилар. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

21 октябр куни Дўрмон қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов учрашувни очиқ деб эълон қилар экан, кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари ҳақидаги, туркий тилли давлатлар муҳим саналарини байрам қилиш ҳақидаги, шунингдек, Тошкент Декларатсиясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви ўрни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар қўйилганини маълум қилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов сўзладилар.

Қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар. Бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Қардош халқларнинг муҳим тарихий саналарини биргаликда нишонлаш уларнинг ўзлигини англашида ва маънавий бирлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада тараққий эттиришда коммуникация тармоқларини мустаҳкамлаш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни янада ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Учрашув ниҳоясида қардош давлатлар Президентлари олий даражадаги анжуманнинг муҳим натижаси бўлган Тошкент Декларатсиясига имзо чекдилар. (Бу ҳужжат матбуотда эълон қилинмоқда).

Учрашувда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳ. Алиев, Туркия Президенти С. Демирэл, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев журналистлар билан учрашиб, уларни олий даражадаги анжуман якунлари билан таништирди. Президентлар журналистларнинг турли саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

**(ЎзА)**

## ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАТСИЯСИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Хайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 28 августда Бишкекда олий даражадаги учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 1996 йил 21 октябрда Тошкентда олий даражадаги тўртинчи учрашувни ўтказдилар.

Улар:

Анқара баёноти, Истанбул ва Бишкек декларатсиялари узвийлигини тасдиқлаб;

турк тилида гаплашувчи давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик турли соҳаларда тез ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб;

тинчликни, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий иқтисодий тараққиёт йўлида ҳаракат қилиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларига содиқликни яна бир бор таъкидлаб;

мустақиллик, истиқлол, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб;

қардошлик алоқаларини янада ривожлантиришга интилиб;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва мёърларига мувофиқ равишда халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашга доир ўз мажбуриятларига риоя этиб;

ўз мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва ҳамкорлик истиқболларини куриб чиқиб, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашиб,

қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатлари ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишидан мамнуният изҳор қилдилар ва уларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

2. Давлат бошлиқлари демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига қатъиян ва доимий содиқликларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

3. Давлат бошлиқлари фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликдан катта мамнуният изҳор қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ҳамда туркий халқларининг буюк маданий-тарихий меросини оммалаштиришни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари **Турксўй** ташкилоти олдида туркий тилли мамлакатлар халқларининг маданияти, тили ва маънавий қадриятларининг муштараклилигига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турганини таъкидладилар ва бу ташкилотнинг таъсирини оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

4. Давлат бошлиқлари Тошкентдаги олий даражадаги тўртинчи учрашув буюк Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кенг байрам қилинаётган даврда ўтаётганини эътиборга олиб, туркий тилли халқларнинг тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳон аҳамиятига молик буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ унутилмас саналарни биргаликда байрам қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Давлат бошлиқлари Турксўй ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ тарихий саналар жадвалини ишлаб чиқишни, бу саналарни байрам қилишга маданият соҳасидаги халқаро ташкилотларни, биринчи навбатда ЮНЕСКОни жалб этиш имкониятларини ўрганиш вазифасини топширди. Буюк турк ҳоқонлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятлари ўрганилсин ва туркий тилли давлатлар бошлиқларининг V учрашувига шу масалага доир тадбирлар режаси тайёрлансин.

5. Давлат бошлиқлари туризм йўналишлари тармоғи ҳамда шунга мувофиқ равишда туризмнинг инфра тузилмаларини унинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган турли шаклларини кенгайтириш мақсадида, «Ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меросини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва мунтазам ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

6. Давлат бошлиқлари ахборотларни айирбошлаш соҳасида вужудга келган ижобий тамойилларни мамнуният билан қайд этадилар ва туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, оммалаштириш ва ёйишда ўз мамлакатлари оммавий ахборот ва алоқа воситаларининг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва турли соҳалардаги тажрибани айирбош қилиш мақсадида туркий тилли давлатлар маҳаллий бошқарувлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга аҳд қилдилар.

7. Давлат бошлиқлари туркий тилли давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини барча чоралар билан ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интегратсия жараёнларига кўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқдаги ғовларни бартараф этиш ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар хўжалик алоқаларини амалга ошириши чоғида ўзларининг халқаро мажбуриятларига путур етказмаган ҳолда товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг ягона бозорини барпо этиш мақсадида, улар учун қулай ҳуқуқий режим ўрнатишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари тегишли давлат тузилмалари божхона ва транзит тадбирларини янада соддалаштириш, ўзаро савдо-сотиқни, молия ва банк операцияларини чеклаётган ва қийинлаштираётган ғовларни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ, нефт ва гидро энергетика ресурсларини ишга солишнинг ва қазиб чиқаришнинг ғоят муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар. Улар энергия манбаларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қувурлар ётқизиш ва электр линиялари қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, у лойиҳаларга манфаатдор давлатларни, халқаро молия ташкилотларини, давлат тузилмалари ва хусусий тузилмаларни жалб этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни маъқулладилар.

Давлат бошлиқлари Туркия орқали Ўрта денгиз соҳилларига ва Европага нефт-газ қувурлари ётқизиш билан боғлиқ бўлган ва тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилган ишни мамнуният билан қайд этадилар.

9. Давлат бошлиқлари минтақада иқтисодий нақлиёт тизимларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Транскавказ йўлагини ишга солган ҳолда транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Сарахс тўрт томонлама аҳдномасини (1996 йил) тезроқ амалга оширишни маъқулладилар ва Трасек лойиҳалари бўйича Европа Иттифоқи саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

Шунингдек, улар «Шимол-Жануб» транспорт йўлагининг бир қисми сифатида Ҳинд океанига чиқадиган «Марказий Осиё—Афғонистон — Покистон» транспорт йўлини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

10. Давлат бошлиқлари БМТ тараққиёт дастурини, жаҳон банкини, жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини ўтиш даврида туркий тилли мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янада фаол ҳаракат қилишга чақирадилар.

11. Давлат бошлиқлари:

— базис ва махсус таълим сифатини оширишга, меҳнат кўникмалари ва касб тайёрлигини ривожлантиришга ҳамда малака оширишга алоҳида аҳамият бериб, маблағ ва инсоний ресурсларни ишга солиш йўли билан;

— фақат рақобатбардошли маҳсулот яратибгина қолмай, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш жойларини ҳам барпо этадиган янги технологияларни оммалаштиришга кўмаклашиш йўли билан ўз мамлакатлари иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини оширишни маъқулладилар.

12. Давлат бошлиқлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор таъкидладилар ва Орол денгизи атрофидаги экология вазиятини барқарорлаштириш юзасидан халқаро миқёсда қатъий чоралар кўришга чақирдилар.

13. Давлат бошлиқлари наркотик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, уларга талаб ҳамда бундай моддалар оборотининг кўламлари ва ўсиш тамойилидан, шунингдек, уларни ғайриқонуний равишда ташиш учун туркий тилли давлатлар ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигидан ташвишланаётганликларини изҳор этиб, бангфурушликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, наркотик моддалар оборотини назорат қилиш бўйича халқаро сиёсатга кўмаклашишга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлайдилар. Шу муносабат билан ҳозирги асрнинг 90-йилларида, айниқса, авж олган уюшган жиноятчилик, бангфурушлик ва терроризм билан мустаҳкам боғлиқлиги ва терроризм учун молиявий манба бўлиб қолаётганидан хавотирда эканликларини таъкидлайдилар.

14. Давлат бошлиқлари терроризм ва сепаратизмнинг янги жунбушидан жиддий ташвиш изҳор қилиб, терроризм, сепаратизм ҳолларини (ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини жиддий равишда камситгани учун) қаттиқ қораладилар ва ана шундай ҳолларга қарши кураш мақсадида жаҳон ҳамжамияти кўраётган чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар, уларни тезроқ ва кенг миқёсда амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар. Давлат бошлиқлари эндиликда чегара нималигини билмайдиган терроризм ва сепаратизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг зарурлигини яна таъкидладилар.

15. Давлат бошлиқлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларини очиқдан-очиқ бузиш оқибатида юз берган можаролар давом этаётганидан чуқур ташвиш билдирдилар ва мазкур қоидаларга сира кечикмай риоя қилишга чақирдилар. Давлат бошлиқлари Арманистон билан Озарбойжон ўртасидаги можарони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарори асосида тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини тасдиқладилар ва бу можаронинг бартараф этилмагани минтақада тинчлик жараёнига, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашга путур етказаётганини таъкидладилар.

16. Давлат бошлиқлари ўзаро маслаҳатшувлар ва ташкилий-техник ишларни мунтазам ўтказиб туриш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг котибиятини тузиш тўғрисида келишиб олдилар. Котибият тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш Ташқи ишлар вазирликларига топширилди. Котибият зиммасига туркий тилли давлатлар бошлиқлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари учрашувларига материалларни тайёрлаш, туркий тилли давлатлар тили, маданияти ва ютуқларини тарғиб қилишга бағишланган семинарлар, конференсиялар, симпозиумлар ўтказиш, туркий халқларнинг, ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги ҳаёти тўғрисида тарихий-адабий манбаларни излаш, саралаш ва нашрга тайёрлашга доир вазифалар юклатилди.

17. Давлат бошлиқлари самимий ва дўстона вазиятда ўтган Тошкент учрашуви туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ишида шубҳасиз муҳим босқич бўлади, деб таъкидладилар.

Анқарадаги олий даражадаги учрашувнинг бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, давлат бошлиқлари навбатдаги учрашувни 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон Республикаси пойтахтида ўтказишга келишдилар.

Ушбу декларатсия 1996 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида ҳар бири турк ва рус тилларидаги олти насхада имзоланган.

**Озарбойжон Республикаси Президенти**
**Ҳайдар АЛИЕВ**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**
**Нурсултон НАЗАРБОЕВ**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**
**Асқар АКАЕВ**
**Туркия Республикаси Президенти**
**Сулаймон ДЕМИРЭЛ**
**Туркманистон Президенти**
**Сапармурот НИЁЗОВ**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

## АМИР ТЕМУР ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТИМСОЛИ



Мустақиллигимиз шарофати билан елкамизга офтоб тегди. Ўзлигимизни, не буюк зотларнинг вориси эканлигимизни, теран тарихимизни англай бошладик. Бой маданий меросимиз халқ мулкига айланмоқда. Миллий қадриятларимиз кўнглимиз уйини, онгу шууримизни чароғ янглиғ ёритиб турибди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, айтиш лозимки, жасорати билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарилиши, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бу борадаги хайрли ишларнинг юксак нуқтаси — гултожи бўлди. Яхшининг шарофати билан деганларидек, юбилей боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улуғ тўй кунлари етиб келди. Ҳар бир ватандошимиз тилида буюк бобокалонимизнинг азиз номи такрор-такрор зикр этилмоқда. Шу кунларда бобомизнинг авлодлар эъзози ва эҳтиромидан шод ва миннатдор руҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрган бўлса, не ажаб...

18 октябр куни Президентимиз Ислом Каримов Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейини, Самарқанд ва Шаҳрисабзда соҳибқирон ҳайкалини очиш тантаналарида қатнашди ва нутқлар сўзлади.



## ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жумъа тонгида Оллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, унинг таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб, дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлғай, иншооллоҳ.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига бекиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

**Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.**

**Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.**

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига бекиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, авваги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намоёндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни бекиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

# КАМОЛОТ ФАЗОСИДАН НУРЛАР

## БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ТЎРТ ХАЛИФАСИ

*Тариқат машойихларининг минглаб муридлари бўлса-да, бироқ шуларнинг ичидан, одатда, тўрттасини ўз ўрнига халифа (ўринбосар) қилиб тайинлаш расмга айланиб қолган. Масалан, биз машҳур Хожа Юсуф Ҳамадоний йўлига назар ташласак, ул зот ҳам вафотларидан аввал тўрт кишини пирлик ва муршидлик вазифасига тайин этганини кўрамиз. Улар Хожа Абдуллоҳ Бароқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний эдилар. Аҳмад Яссавийнинг ҳам тўрт халифаси бўлиб, улар Мансур Ото, Саъид Ото, Сўфи Муҳаммад Донишманд ва Ҳаким Отолар эди. Занги Отонинг ҳам Узун Ҳасан Ото, Саййид Ото, Садр Ото ва Бадр Ото каби тўрт халифаси бор эди. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг ҳам тўрт халифаси бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.*

*Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам минглаб муридлари ва асҳоблари бўлса-да, бироқ уларнинг ичида тўрттаси етук камолот эгалари бўлиб, халифалик даражасига кўтарила олганлар. Булар Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Ғиждувоний ва Мавлоно Яъқуб Чархий ўз даврининг йирик шайхлари бўлиш билан бирга етук олимлар бўлиб, тасаввуф ва фиқҳ соҳаларида қалам тебратиб, ўзларидан асарлар қолдирганлар. Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Алоуддин Ғиждувонийлар ўзларининг ваъзу насиҳатлари ва толибларининг тарбияси билан машғул бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарганлар.*

*Бугун биз сиз билан, нақшбандия сулукининг ривожига катта ҳисса қўшган, халқни илмга, маънавий поклик сари ундашга умрини сарфлаган, Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг ҳурмат ва обрўйини қозонган тўрт зот ҳақида фикр юритамиз. Аслида мазкур зотларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида китоб ёзиш мумкин, бироқ бу ишни келажакка ҳавола қилиб, ҳозирча хамир учидан патир сифатида қуйидаги маълумотларни диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз. Уларни ёзишда мазкур зотларнинг ўз асарларидан ташқари Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс», Али Сафийнинг «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт», Муҳаммад Дорошукуҳнинг «Сафинату-л-авлиё» каби китобларидан ҳам фойдаланилди.*

### ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР

Хожа Алоуддин Аттор Ҳазрат Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд)нинг тўрт халифасидан биринчиси эдилар. Бу зот ҳақида Ҳазрати Жомий ҳамда Али Сафий ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Айниқса, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» номли китобида Аттор ҳақларида ажойиб ҳикоятлар мавжуд. Хожа Муҳаммад Порсо эса Аттор ҳақида алоҳида китоб, яъни «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Хожа Алоуддин Аттор ҳақида мақомот») китобини тасниф қилганлар. Аттор ҳақидаги маълумотларни йиғиш ҳамда у ҳақда ёзилган «Мақомот»ни таржима қилишнинг ўзи каттагина китоб юзага келишини тақозо қиларди. Бироқ бу китобнинг мақсади бу ишга йўналтирилмагани учун, биз Аттор ҳақида «Рашаҳот»га асосланиб фикр юритиш билан чегараланамиз.

Али Сафийнинг «Рашаҳот»да ёзишича, Атторнинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Бухорийдир. У келиб чиқиши жиҳатидан Хоразмдан. Улар оилада уч ака-ука, акаларининг номи Хожа Шаҳобуддин ва Хожа Муборак бўлган. Отаси ўлгач, Аттор ота меросини қабул қилмай, Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўра бошлайди. Унинг кўнглида тариқатга кириш истаги пайдо бўлиб, Хожа Баҳоуддин ҳузурига келади, дарслардан воз кечади. Хожаи Бузург уни тариқат йўлига солиб, ботин илмига машғул қилади.

Али Сафий «Рашаҳот»да Аттор билан Хожаи Бузург ораларида бўлиб ўтган ва «Мақомот»лардан бирида ёзилган қизиқ воқеани келтиради. Унинг тафсилоти қуйидагича: Хожаи Бузургнинг ёш қизчаси бор эди. Хожаи Бузург хотинларига: «Қиз балоғатга етганидан воқиф бўлгач, Қасри Орифондан тўппа-тўғри Бухоро мадрасасига келиб, Хожа Алоуддин Атторнинг ҳужрасига борадилар. Ҳужрада фақат бўйра бўлиб, Аттор гоҳ-гоҳ унда ётар экан. Бир пишиқ ғишт бўлиб, у болиш вазифасини ўтар, бир синиқ кўза бўлиб, у билан таҳорат олар экан. Аттор Хожаи Бузургни кўришлари биланоқ уларнинг оёқларига бош қўядилар ва кўп ҳожатмандлик изҳор қиладилар. Хожаи Бузург унга: «Бир қизим бор, бугун балоғат ёшига етди, уни сенинг никоҳингга киритишга буюрилганман», дедилар. Хожа Алоуддин тавозеъ қилиб: «Бу мен учун буюк саодатдир, аммо менда сарфлаш учун, кўриб турганингиздек, дунёвий молдан ҳеч нарса йўқ», — дедилар. Ҳазрати Хожа: «Уни ҳам, сени ҳам Аллоҳ ҳузурида тақдир қилинган ризқинг бор, бу ҳақда ўйга толма», — дедилар. Шундай қилиб, бу никоҳ амалга ошади ва кўп ўтмай улардан Хожа Ҳасан Аттор дунёга келади.

«Баъзи маҳдумлардан эшитилишича, — деб ёзилади «Рашаҳот»да, — Ҳазрати Хожаи Бузург унинг кибрини синдириш ёки бошқа мақсадда хизматга бериб, бошига олма солинган идиш кўтартириб, олма сотишга буюрадилар. Аттор ялангоёқ бозор кўчаларида завқу шавқ билан бу ишга машғул бўлади. Унинг акалари Хожа Шаҳобуддин ва Хожа Муборак номусли одамлар бўлиб, унинг бу ишидан ғоятда ҳижолат тортадилар. Хожаи Бузург бу ҳолдан хабар топиб: «Олмани олиб бориб, биродарларингни дўкони ёнига қўйиб, овозингни борича бақириб, олма сот», — дедилар. Аттор уларнинг айтганларини қилади. Ҳазрати Хожа Атторни тариқат йўлига қабул қилгунларича бу иш билан машғул бўлади».

Али Сафий «Мақомот»даги маълумотга суяниб ёзишича, Ҳазрати Хожа ҳол аввалида Алоуддин Атторни ҳар доим ўз ёнларига ўтқазиб қўяр эканлар ва тез-тез уларга ўз муборак диққатларини қаратар эканлар. Маҳрамлардан баъзиси бунинг сабабини сўраганда, ҳазрати Хожа: «Уни бўри емасин деб, ёнимга ўтқазаман, бўри — нафс ҳар доим унинг пистирмасида ҳозирдир, шунинг учун унинг аҳволидан воқиф бўлиб тураман», — деган эканлар.

Мадрасада олган таълими ҳамда ҳазрати Хожанинг саъйу ҳаракати билан Аттор ўз даврининг етук уламоси ва шайхи даражасига кўтарилади. Ҳазрати Хожа ўзининг кўп ишларини Атторга топширади ва у бу ишларнинг уддасидан чиқади. «Рашаҳот»да келтирилишича, Ҳазрати Хожа: «Алоуддин бизнинг юкимизни кўп енгил қилди-да», — дер эканлар. Ҳазрати Хожа кўпчилик муридларнинг тарбиясини Атторга топширардилар. Мавлоно Яъқуб Чархий Ҳазрати Хожага бағишланган «Рисолаи унсия»да бу ҳақда тўхталиб, Ҳазрати Хожа ўзининг тарбиясини ҳам Алоуддин Атторга топширганликларини ҳикоя қилади.

Хожа Алоуддин Атторнинг валийликда буюк камолот эгаси бўлганини «Рашаҳот»даги бир ҳикоятдан билса бўлади. Бу ерда ёзилишича, Бухорода бир гуруҳ уламолар орасида Ҳақнинг жамолини кўриш ёки кўрмаслик ҳақида баҳс кетади. Хожа Алоуддинга эътиқоди баланд уламолар унинг ҳузурига келиб, бу ҳақда хабар берадилар. «Сиз ҳокимсиз, бизнинг ўртамизда ҳукм чиқаринг», —дейди улар. Аттор мўътазила мазҳабига мансуб бўлиб, Ҳақ жамолини кўришга мункир бўлган уламоларга қарата: «Сизлар уч кунгача муттасил бизнинг ҳузуримизга келинглар, комил таҳорат билан суҳбатимизда ўтиринглар ва жимликни ихтиёр қилинглар, шундан сўнг ҳукм қиламиз», — дейди.

Мункирлар уч кунгача Хожа Алоуддин суҳбатида бўладилар. Учинчи куннинг охирида уларда беҳудлик пайдо бўлиб, барчаси тинимсиз ерга думалар эдилар. Ўзларига келишгач: «Ҳақ жамолини кўришга иймон келтирдик», — деб кўп ҳожатмандлик изҳор қиладилар. Али Сафийнинг ёзишича, шундан сўнг улар Хожа Алоуддиннинг суҳбатларини ўзларига лозим санаб, остоналарига доимий мулозим бўладилар.

Хожа Баҳоуддин вафотлари олдидан Хожа Муҳаммад Порсони ўз ўрнига халифа қилиб тайинлашларига қарамай. Муҳаммад Порсо ҳамда бошқа асҳоблар Хожа Алоуддинга тобелик билдирганлар. «Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг айтишларича — деб ёзади Али Сафий. — Хожа Баҳоуддиннинг вафотларидан сўнг барча асҳоблар, ҳатто Хожа Муҳаммад Порсо ҳам, Хожа Алоуддиннинг улуғлиги туфайли унга тобе бўлиб, байъат қилдилар».

Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Муҳаммад Порсо Атторнинг ҳар хил мажлисларда айтган қудсий калималарини тўплаб, «Мақомоти Хожа Алоуддин» номли рисоласига киргизмоқчи бўлган, бироқ уни қисман тўплаб, йиққан бўлса-да, киритилмай қолган экан. Али Сафий бу қудсий ёзувларни ўз кўзи билан кўрган бўлиб, бу қудсий калималардан йигирма еттитасини «Рашаҳот»да келтиради.

Бундан ташқари «Рашаҳот»да Хожа Алоуддин Атторнинг вафотига бағишланган саҳифалар берилган бўлиб, бу маълумотлар Муҳаммад Порсо ёзган «Мақомот»дан келтирилган. Бу ерда ёзилишича, Аттор 802 (1399) йил ражаб ойининг йигирманчисида чоршанба куни кечаси оламдан ўтган. Қабрлари ўша пайтда Чағониён деб аталувчи вилоятнинг Деҳнов (Денов) қишлоғида.

Юқорида ишора қилиб ўтилгандек, Аттордан Хожа Ҳасан Аттор исмли ўғил туғилган бўлиб, у ёшлигиданоқ Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг кимиё назарига мушарраф бўлган эди. Али Сафий у ҳақдаги қизиқ ҳикояни келтиради. Хожа Ҳасан сабийлик пайтида болалар билан ўйнаётган экан. У бир бузоққа миниб олган, болалар эса атрофида қий-чув кўтариб югуришар экан. Шу аснода Ҳазрати Хожа келиб қолади ва бу ҳолни кўриб: «Бу бола отлиқ бўлганда шавкат соҳиби подшоҳлар унинг жиловида пиёда юрадилар», —дейди. Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлади, Хожаи Ҳасан Хуросонга келиб, Боғизонда Шоҳрух Мирзо билан учрашади. Шоҳрух Мирзо Хожа Ҳасанни миндириш учун ўз хачирини етаклаб келади. Бир қўли билан хачир узангисини ва бошқа қўли билан жиловдан тутади. Хожа Ҳасан хачирга мингач, хачир суриб кетади. Шоҳрух Мирзо уни тўхтатиш учун жиловидан ушлаган ҳолда бир неча қадам чопиб боришга мажбур бўлади. Хачир тўхтагач, Хожа Ҳасан ерга тушади ва юзини Бухорога қарата ниёзмандликлар изҳор қилади. Сўнг Ҳазрати Хожа Баҳоуддин изҳор қилган ўша воқеани Шоҳрух Мирзога сўзлаб беради.

Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс» китобида ёзишича, Хожа Ҳасанда кучли жазаба ҳамда тасарруф қуввати бўлган. Кимки унинг зиёратига келса, ўша ондаёқ оёқдан қулаб, беҳуд ҳолатга тушар экан.

Али Сафининг ёзишича, Хожа Ҳасан ўз давридаги улуғ бир зотнинг илтимосига мувофиқ хожагонлар тариқати ҳақида бир мухтасар рисола ёзган экан. Али Сафий ўз китобида шу рисоладан олинган бир неча қудсий калималардан келтириб ўтган.

Маълумки, хожагонлар тариқатида беморлардан иллатни олиб ташлаш қоидаси мавжуд. Бунга мисоллар кўплаб келтириш мумкин. Али Сафий Хожа Ҳасан вафотига сабаб бўлган қуйидаги воқеани келтиради: «Хожагонлар тариқатида бемордаги иллат юки остига кириш, уни ўзига олиш қоидасига мувофиқ Хожа Ҳасан Шерозга кирганда ўзига ихлоси жуда баланд бўлган бир улуғ зотнинг касал эканини кўрдилар. Хожа бу зотнинг беморлик юкини ўзига олдилар. У зот шифо топди, бироқ Хожа касал бўлиб, шу касаллик билан оламдан ўтдилар».

Хожа Ҳасаннинг вафоти 826 (1422) йили душанба куни Қурбон ҳайити кечаси юз берган. Унинг жасадини Шероздан Чағониёнга олиб келиб, бузургвор отаси Хожа Алоуддин Аттор ёнига (Деновга) олиб келиб дафн қилганлар.

Хожа Алоуддин Атторнинг тарихда ном қолдирган кўплаб халифа (шогирд)лари бўлган. Буларга мисол қилиб, Мавлоно Ҳисомиддин Порсо Балхий, Мавлоно Абу Саъид, Хожа Абдуллоҳ Имоми Исфаҳоний, Шайх Умар Мотуридий, Мавлоно Аҳмад Маска, Хожа Аҳрори Валийнинг устозларидан бири бўлмиш Мавлоно Низомуддин Хомушларни киритиш мумкин. Булар ҳақида «Рашаҳот»да маълумотлар ҳамда уларнинг қудсий калималаридан намуналар келтирилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Хожа Алоуддин Аттор ўз даврининг етук уламо ва машойихларидан бўлиб, нақшбандия сулукининг ривожланишида катта хизматлар кўрсатган зот эди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

---

*Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари*

***Мамлакатимизда ўтаётган Олмония маданияти кунлари олмон ва ўзбек халқларининг янада яқинлашувида, биродарлашувида катта аҳамият касб этади. Олмония ва Ўзбекистон муайян маънода бир-бирига ўхшаб кетади: Марказий Осиё минтақасида Ватанимиз қай даражадаги илмий-маърифий қудратга эга бўлса, Олмония ҳам Ғарбий Оврупода ана шундай мавқега эга. Мамлакатларимизнинг маданий алоқалари теран ва анъанавийдир. Хусусан, олмон мумтоз адабиётининг маънавий ҳаётимиздаги мавқеи доимо баланд бўлиб келган. Ҳётенинг «Фауст», «Ёш Вертернинг изтироблари», Шиллернинг шеърлари ва драмалари, Ҳауфнинг эртаклари аллақачон ўзбек китобхонининг севимли асарларига айланиб кетган. Кейинги пайтларда, ўша анъаналарни давом эттириб, шоир Абдулла Шер буюк олмон шоири Ҳайнрих Ҳайненинг кўпгина шеърлари ва балладаларини аслиятдан таржима қилди. Қуйида ана шу таржималардан бирини диққатингизга ҳавола этамиз.***

Ҳайнрих ҲАЙНЕ

## ОҚҚУШ БЎЙИН ЭДИТ

**Сўлиш олди Валтҳэм аббати**
**Шум хабарни эшитиб, маъюс:**
**Қирол Ҳаролд шонсиз Ҳастингс**
**Майдонидан қайтмабди, афсус.**

**Икки роҳиб Асголд, Айлрик**
**Бу гал аббат чопари эди:**
**«Жасадини қиролнинг топиб**
**Ҳастингсдан келтиринг»! деди**

**Йўлга тушиб роҳиблар ғамгин,**
**Яна ғамгин келдилар қайтиб:**
**«Бахтсиз қайтдик, Атои ҳазрат**
**Бу ҳаётга лаънатлар айтиб.**

**Ҳалок бўлиб зоти улуғлар,**
**Безот Банкерт енгмишдир бизни.**
**Юртни ўғри талади, эвоҳ,**
**Чўри қилиб қизларимизни.**

**Бриттларга лорд бўлди энди,**
**Ялангоёқ битлиқи норманн.**
**Ва баееллик бичиқчи бугун**
**От устида боқар беписанд.**

**Шармисодир бугун ҳар сакcу**
**Саксларнинг ҳар авлиёси,**
**Номусидан титрайди улар**
**Титраб турар арши аълоси.**

**Мана энди бизларга аён**
**Улкан думли юлдуз не учун**
**Алангали супурги узра**
**Осмон бўйлаб учгани ҳар тун.**

**Ҳастингсда англадик бизлар**
**Бахтсиз юлдуз кароматини.**
**Хўп изладик жанг майдонида**
**Британлар валломатини.**

**Ўнгни кўрдик, сўнгни кўрдик биз**
**Умидимиз узигунча то.**
**Қиролимиз Ҳаролд жасадин**
**Тополмадик қидириб аммо».**

**Жим қолдилар Асголд, Айлрик,**
**Муштин қисиб йиғлади аббат,**
**Сўз бошлади сўнгра хўрсиниб,**
**Чуқур ўйга чўмган бир муддат:**

**«Грюнфлдда Брадлар қояси**
**Бор ўрмоннинг қоқ ўртасида.**
**Оққуш бўйин Эдит яшайди**
**У ердаги ўз кулбасида.**

**Оққуш бўйин дердилар уни**
**Бўйнини ғоз тутгани учун.**
**Ёшлик чоғи қирол Ҳаролдни**
**Ўша сулув этмишди мафтун.**

**Ёниб севди аввали қирол,**
**Сўнг унутди, сўнди аланга.**
**Вақт югурик, қаранг, шунчалар,**
**Ўн олти йил бўпти ўшанга.**

**Биродарлар, борингиз бошлаб**
**Ҳастингсга ўша аёлни.**
**Фақатгина аёл кўзлари**
**Топа олгай энди қиролни.**

**Сўнг Валтҳэмга қайтингиз тезда**
**Бирга олиб қирол хокини.**
**Уни кўмиб жаноза ила**
**Шод этайлик руҳи покини.**

**Ўрмондаги кулбани топди**
**Икки чопар айни ярим тун:**

**«Оққуш бўйин Эдит, бўла қол,**
**Бирга юргин биз билан бугун.**

**Норманнларнинг ҳерсоги енгди,**
**Бриттларни қирди армонсиз.**
**Ҳастингснинг жанг майдонида**
**Қирол Ҳаролд ётибди жонсиз.**

**Ҳастингсга юргин биз билан,**
**Жасадини топайлик унинг,**
**Сўнг Валтҳэмда русим бўйича**
**Кўзларни ёпайлик унинг».**

**Оққуш бўйин Эдит эргашди**
**Роҳибларга сўз айтмай дарҳол.**
**Унинг оппоқ кумуш сочини**
**Тўзғитади торткилаб шамол.**

**Ялангоёқ борарди аёл,**
**Ўрмон ортда, ортдадир ботқоқ,**
**Ҳастингснинг бўр қоялари**
**Тонгда кўзга ташланди оппоқ.**

**Қуёш нури ердан туманнинг**
**Кўрпасини олиб ташлади.**
**Жанг майдони узра қузғунлар**
**Чағ-чағлашиб уча бошлади.**

**Ётар эди минг-минглаб аскар**
**Қонли ерни қучиб, чўзилиб.**
**Ем тўрваси қонга беланган**
**Отлар ётар бўйни узилиб.**

**Оққуш бўйин Эдит кезарди**
**Ялангоёқ, сонигача қон,**
**Нигоҳини ўқдек қадарди**
**Ҳар санчилган ўқ ёйга нолон.**

**Ўнгни кўриб, сўнгни кўрдилар,**
**Қийин эди олға силжимоқ:**
**Қузғунларни қуварди базўр**
**Икки роҳиб ўқталиб таёқ.**

**Куни бўйи излашди улар,**
**Шом ҳам, мана, ёзмоқда қанот.**
**Шу пайт ногоҳ аёл кўксидан**
**Бир дод қўпди, чидаб бўлмас дод.**

**Оққуш бўйин Эдит топмишди**
**Жасадини қиролнинг таниб.**
**Бир сўз айтмай, кўз ёш ҳам тўкмай,**
**Қонсиз юзни ўпди хўрланиб.**

**Манглайидан, оғзидан ўпди**
**Қучоғига босганча маҳкам;**
**Қиролнинг кўкрагидаги**
**Ўпди қонли жароҳатни ҳам.**

**Ўпиб-ўпиб елкасидан у,**
**Кўзларини узмасди сира:**
**Уч жойдаги тишининг ўрни**
**Ўтли ишқдан эди хотира.**

**Роҳибларнинг бўшашиб кўнгли**
**Дарахтлардан новда юлдилар**
**Ва қиролнинг жасади учун**
**Қуйғу ичра замбил қилдилар.**

**Тунда Валтҳэм аббатлигига**
**Замбилкашлар йўл олди шиғаб.**
**Оққуш бўйин Эдит борарди**
**Ўз ишқининг тобутин ушлаб.**

**У жаноза ўқирди маҳзун**
**Болалардек чўзиб дуони...**
**Бу даҳшатли тунда роҳиблар**
**Боришарди ёдлаб худони.**

**Абдулла ШЕР таржимаси**

---

*Муҳаррирга мактуб*

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА «ҒУНЧА»

Ҳурматли бош муҳаррир! Биз яъни кичкинтойларнинг севимли журнали «Ғунча» жамоаси шу йил 15 октябр сонида босилган Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг пленуми материалларини диққат билан ўқиб чиқдик. Ўқидигу «ва ниҳоят!» дегандек катта қониқиш ва мамнуният ҳис этдик. Нимага деганда қайси партия ўз келажагини ёш авлод — болажонлар тимсолида кўрибди, демак у қанотларини кенг ёзибди. Ва ўз ҳаракат йўлидаги ўзак мавзулардан бирини илғаб олибди. Юртбошимиз Ислом Каримов «...мустақиллик кунида туғилган болаларнинг ҳаётга қадам қўйиб давлат, жамоат ишларида иштирок этаётганларини кўрсам, армоним қолмасди» деган орзуларига муносиб жавоб бўлибди. Пленумнинг 8 банддан иборат қарори бошланғич таълимни такомиллаштиришда боғча, мактабларга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилган. Ва ойдин режалар белгиланган.

Зотан болалар тарбияси фақат Халқ таълими вазирлигининг иши эмас, балки ҳамманинг шу жумладан республикамизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг ҳам ишидир.

Бизнинг жамоа ана шу катта тарбиявий жараённинг ўз номи билан битта «Ғунча»сидир. Бизнинг бутун иш режаларимиз боғча ва мактаб ёшидаги кичкинтойларнинг маънавиятига қаратилган. Ва кичкинтойлар учун чиқариладиган бирдан-бир ягона адабий-бадиий, безакли журналдир.

Болалар матбуоти Президентимизнинг қарорлари билан давлат тасарруфига олингач, журнал ҳар ойда чиқадиган бўлди. Ҳозир юқори савиядаги, орзу даражасидаги журналлар чоп этиш йўлида қизғин ишларни бошлаб юборганмиз. Кичкинтойлар учун компьютерларни ўрганиш билан боғлиқ ўйин-машғулотлар, «Тест синовлари», «Лотин алифбоси», «Табиат дарчаси», «Ишла қаламим, бўя бўёғим», «Қирқ ҳадис», «Билағонлар мамлакати», «Савол биздан — жавоб сиздан» каби қизиқарли саҳифалар ташкил этилган. Болалар ёзувчилари ва шоирларининг асарлари, қўшиқлари эълон қилиняпти. Шу билан биргаликда давлатимизнинг муқаддас рамзлари ҳақида махсус сонлар чиқарилмоқда. Масалан, республикамиз Байроғига бағишланган махсус сонни обунадан ташқари яна 50 минг нусхада сотишга муваффақ бўлдик. У боғчалар ва бошланғич таълим синфлари учун энг яхши совға бўлди. Навбатда эса давлатимизнинг Мадҳияси, Герби, Конститутсиясига бағишланган журнал сонлари тайёрланмоқда. Давлатимиз рамзлари энг қизиқарли ҳикоялар, шеърлар, қўшиқлар, топишмоқлар, тез айтишлар, кичик саҳна асарлари, безакли расмлар орқали болаларга етказилади. Миллий тикланиш демократик партиясининг пленумда белгиланган режаларни рўёбга чиқишида бизнинг жажжи нашримиз ҳам ёрдам бериши турган гап. Айтишади-ку арғамчига қил қувват деб.

Албатта, қилинаётган бу ишлар ўз ўқувчиларига етиб бориш учун журналга 1997 йил учун обуна бўлмоқ керак. Бу ўринда ота-оналарни, боғча муробийларини, муаллимларни, маҳалла қўмиталарини фаолликка чақирамиз.

«Ғунча» нашрлар ичида энг арзон, энг чиройли, энг мазмунли журналдир. Бир йилда ўн икки дона чиқади. Йиллик обуна баҳоси бор-йўғи 140 сўм атрофида. Ҳа битта ўртача китобчанинг баҳоси. Обуна қилинса, кичкинтойларимиз битта эмас ўн иккита китобчани маза қилиб ўқийдилар.

**Эркин МАЛИКОВ,**
**журнал бош муҳаррири**

---

Нурбиби ОМАР,
қозоқ адибаси

# ТАСКИН

## БУВИМ БИЛАН СУҲБАТ

АЗИЗ ЎҚУВЧИМ! Сиз турли мутасаддилар, тадбиркорлар ва ҳоказо шахслар ҳақида ўқийвериб зерикандирсиз ҳам... Бозорчилар, тиланчилар, ўғри-ю ғарлар ҳақида, мафия, товламачи, жангарилар, турмадагилар ҳақидаям қўшни мамлакатдаги қаламкашлар ҳамма нарсани очиқ-ойдин ёзавериб, «чизиқдан чиқмайдиган», «одобли-интизомли» одамларнинг кўзларини очиб ташлаганлари қачон! Бироқ, бу мавзулар ҳам сизни зериктирди. Қишлоқда манглай терини мунчоқдай оқизиб меҳнат қилаётган оддий одамлар билан суҳбатлашиш қанчалар мароқли мен учун... Сабаби, уларнинг содда, доно сўзидан оромбахш нима бор?

Менинг эса ҳозир шу тобда суҳбатлашгим, ким биландир маслаҳат қилгим келаётир. Шундай одам бор, ҳайтовур... Фақат, у жисман йўқ, руҳан эса ёнимда ва ёдимда. Ўтиб кетган одам билан сирлашиб-суҳбатлашганим учун ҳеч ким мени айбламаса керак.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

— Бувижон, сиз улкан табиб, башоратгўй, овулдаги кайвони кампирлар ичида обрўли-атоқли инсон эдингиз. Сиз боқий дунёга риҳлат қилганингизда, мен — ўн яшар қизалоқ, сизнинг оёғингизни қучоқлаб ухлаб қолган эканман. Бари эсимда...

Ҳозир замон ўзгарди, бувижон. Орзулар қанотида, бировдан олдин, бировдан кейин юриб, шу бугунги мавқега эришдим. Бироқ, ҳаёт шундай эканки, менинг шу кунимни ҳам кўп кўрадиганлар, тош отувчилар бор экан... Мен нима қилай, бувижон?..

— Қизгинам, бувингни унутмапсан-да! Мен оғир ётганимда, иссиқ-совуғимдан ҳамиша хабардор бўлиб турган кезларимнгда, мен «Худойим, шу қизимнинг умри узоқ бўлсин, бахтли бўлсин, тилаган тилакларига етказ қизимни!» — деб дуо қилардим, эсингдадир? Яратганга шукур, қизгинам, тани-жонинг соғ, орзуларинг бажо бўлаётир, ширингдан ширин фарзандларинг бор, уйинг-ўтбошинг бор, қийналганингда шеър мунчоғини тизиб тонг отқизасан. Истеъдодингни эл билади. Шукур қил, қизим, шукур қил, асло ношукурлик қила кўрма, болажоним!

— Бувижон, буларнинг ҳаммасига мен оппа-осон эришганим йўқ. Айниқса, шеърларим... Ҳар битта чоп қилинган шеъримни билмайман нега, ўзига қарши отилган ўқ деб тушунадиганлар бор!

—Э-э, шуларсиз дунё дунё бўлибдими? Ичиқоралик, кўролмаслик, мендан бошқа одам пойгада ўзмаса экан, деган худбинлик аввалда ҳам бўлган, эндиям бўлаверади. Бу ҳақда ўзинг ҳам кўп китоб ўқигансан-ку!..

— Бунинг сабаби нимада? Нега бу иллат кўп тарқалган?

— Бунинг асл сабаби — шуҳратпарастликда, мансабпарастликда. Ер юзидаги одамзотга хос энг баттарин иллат — шу шуҳратпарастлик. Ундан эса бошқа иллатлар келиб чиқади.

— Хўш, шундайлар билан дуч келганда, нима қилмоқ керак?

— Шуҳратпарастларни силаб-сийпаласанг, ишинг битади. Ўқувчилик чоғингда «Қарға билан тулки» деган масални ўқигансан-ку; «Иш битди, қув кетди...» Доно одам халқ иши учун мақтаса нима қипти? Дулат жировнинг айтгани бор: «Бошқаларни мақтовим — Ҳайдаб солган малайим», дейди у.

Исроил Сафарбой деган оқин ҳам:

**Ҳеч кимсани**
**мақташидан маст**
**бўлмасман,**
**Ҳеч кимсани**
**доллашидан ғаш**
**бўлмасман,**

— деган бир шеърида.

— Булар фаросатли одамларнинг гаплари, афсуски, бундайлар кўп эмас, қизим... «Замонанг тулки бўлса, сен този бўл», «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган мақоллар бор. Ҳамма даврларда ҳам айёр-қувлар, мақтанчоқлар, манманлар, ёлғиз ўз бошинигина ғамини ейдиган майда одамлар бўлади. Одамнинг табиати шундай, буларга чидашинг керак. Замон доим яхшилар, адолаткорлар, зар қадрини биладиган заргарлар билан кўркли. Сен ана шундайларни изла.

— Бувижон, мен бировни ёлғондан мақтай олмайман, сўзи билан иши мос келмаган одамларга айтадиган гапим йўқ. Бундайларни кўрганда чидаёлмай кетадиган одатим бор...

— Қизим, буларнинг бари ўткинчи. Иккиюзлама одамлар ҳеч қачон халққа кўрк бўлиб қололмайди. Рост, ундайлар мансабга, бойликка, унча-мунча ютуқларгаям эришиши мумкин, бироқ буларнинг бари вақтинча. Эрта-бириси куни бошига иш тушиб, оёғи тойса, ҳаммаси бир пул бўлади. Қозоқларда: «Хоннинг иши қорага тушар, қайтиб келиб болага тушар» деган сўз бор. Кейин, «Одамни қўллагинг келса, мансаб бер, хўрлагинг келса ҳам мансаб бер» деган ҳикмат бор. Бу дегани, кимнинг ким эканлигини қийинчиликдагина эмас, мансабга минганида ҳам билиниб қолади. Ундайларга ачиниб, руҳинг чўкмасин...

— Бувижон, хиёнаткорни кечириш мумкинми?

— Агар ялтироқ нарсани олтин деб алданган бўлсанг, ўзингдан ўпкала. Оқ ғоздан оқувни айира билмасанг — ўзингдан ўпкала. Бировларга яхшилик қиламан деб, ҳаддан ошириб юборсанг, кўкка кўтараман деб, ерга тушириб юборсанг — ўзингдан ўпкала...

— Агар дўст деб юрганим душман бўлиб чиқса-чи?

**— Яхшиликка яхшилик**
**ҳар одамнинг ишидир,**
**Ёмонликка яхшилик эр**
**одамнинг ишидир,**
**Яхшиликка ёмонлик ҳез**
**одамнинг ишидир,**

— деган сўзни биласан. Ҳаётда эр одамлар ҳам, ҳез одамлар ҳам бор. Яхшилигинга ёмонлик қилган одам — бошқалардан, жуда бўлмаганда, албатта, худодан топади. Душмани йўқ одам эса — қўғирчоқ. Ўзларинг ҳам талабаликда «қарама-қаршиликсиз ривож бўлмайди» — деган фалсафани ўқигансизлар-ку. Сенга қарши, сенинг ҳар бир сўзингни-ишингни элакдан ўтказиб, синаб юрадиган одамнинг бўлгани яхши. Ўшанда сен ҳам ўзингга сергаклик билан қараб, танқидий кўз солиб, ўзингга бошқанинг кўзи билан боқиб ўрганасан... Ахир, «табиатда қашқирлар бўлмаса эди, қўйлар касалланиб ўларди» деган олимларнинг хулосасини ўзинг газетадан ўқиб берган эдинг-ку...

— Бувижон, жуда кўп нарсаларни эсимга солиб юбординиз. Сўнгги пайтларда қаттиқ чарчаганликданми, кўзимга ҳеч нарса кўринмай, аллақаёқларга кетиб қолгим келарди...

— Шоиртабиат одамларда шундай туйғу бўлади ўзи. Сабр қилиш керак, сабр, тўзим; сабр. «Сабрнинг туби сариқ олтин, сарғайган етар муродга». Қадим замонларда биров: «Бундан баттар совуқларда тўйга борганмиз» — деган-ку. Сенинг шу кунингга, обрў-эътиборга ета олмай, зориқиб юрганлар бор. Яна шукр қил, ношукур бўлма, тавба қил, қизим. Ҳу-у, ўқувчилик кезларингда ўқиган «Аёзбий» эртагини эсингдан чиқарма. Эртакда, не-не қийинчиликлар билан хонлик тахтига чиққан Аёзбий бир пайтлар кийиб юрган эски тумоғини бўсаға тепасига илиб қўйиб, кўнгли тўлиб-тошган кезларда шу тумоққа қараб айтар экан:

**— Аёз, ҳолингни бил,**
**қумурсқа, йўлингни бил!**

У ўша ёмон кунларини унутмаганлиги туфайли эл ичида қадрли Аёзбий бўлиб ном чиқарган-ку, қизим!

— Буви, менинг очиқчасига айтган сўзларим баъзи бировларга ўқдай қадалади...

— Қизим, «Бош кесмоқ бор, тил кесмоқ йўқ», «Аччиқ айтсанг ҳам, очиқ айт», — деган ҳикматли сўзлар бор эл ичида. Ақлли-тафаккурли инсон бундай сўзларингдан ҳайрон бўлмайди. Очиғини айтиш керак, бироқ уни ўз ўрнида айтмоқ зарур. Биров тушунмаса, биров тушунади...

— Бувижон, агар менинг ўзимда озгина бир салоҳият, ўзгача қобилият бўлса — булар сиздан менга ўтган фазилатлар деб биламан. Сизнинг покизалигингиз, ҳалоллигингиз, одамийлигингиз, бошқа ҳислатларингиз, ақл-насиҳатларингиз — ҳар доим мен учун йўл кўрсатувчи шамчироқ. Ётган жойингиз нурли бўлсин, руҳингиз олдида бош эгаман...

**Музаффар АҲМАД**
**таржимаси**

---

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0604.
3526 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6